

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Б.А. НАРИМАНОВ

САЙЛОВЛАРДА
ОЧИҚЛИК ВА
ОШКОРАЛИК

(оммабоп рисола)

Тошкент – 2023

УЎК: 342.82(041)(575.1)

КБК 66.3(5Ўзб)

Н 26

Б.А., Нариманов

Н 26

Сайловларда очиқлик ва ошкоралик

[Матн]: оммабоп рисола / Б.А. Нариманов. –
Тошкент: Тошкент давлат юридик университети,
2023 й. – 24 б.

Мазкур рисолада Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнида очиқлик ва шаффофлик принципининг мазмуни, уни таъминлашнинг миллий ва халқаро механизмлари, сайлов комиссиялари фаолиятида мазкур принципларни таъминлаш, шунингдек, сайлов жараёнида очиқликни таъминлашда ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа субъектларнинг ўрни ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Тошкент давлат юридик университети Тадқиқот этикаси
кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 8-сон мажлис баённомаси билан нашрга
тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-7399-6-3

© Б.А. Нариманов, 2023 й.

© Тошкент давлат юридик университети, 2023 й.

КИРИШ

Кейинги йилларда мамлақатимизда сайлов тизимини янада такомиллаштиришга, сайловчиларнинг ва сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, сайлов ва референдум ўтказишнинг очиқлиги, шаффоғлиги ҳамда мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Асосийси, бу ислоҳотларнинг барчаси халқимиз истаклари ҳамда сайловга оид халқаро стандартлардан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Маълумки, сайловлар орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиб, давлат органларини демократик тарзда шакллантиришга ўз хоҳиш-иродаларини тўғридан-тўғри билдириш имкониятига эга бўлади. Бошқача айтганда, сайловлар демократик тизимнинг устунларидан бири ҳисобланади.

Сир эмаски, фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халқаро ташкилотлар дикқат-эътиборида бўладиган масаладир. Хозирги пайтда дунёда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид халқаро стандарт ҳисобланадиган 20 дан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Айтиш жоизки, миллий сайлов қонунчилигимиз юқорида санаб ўтилган сайлов тўғрисидаги халқаро стандартларга тўла мос келади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг XXII боби “Сайлов тизими”га бағищланиб, фуқароларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминлаш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда муҳим янги нормалар киритилди.

Ўзбекистонда президентлик сайлови жараёнида нафақат сиёсий партиялар ва масъул давлат органларининг вакиллари, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳам бевосита иштирок этишлари ҳамда жамоатчилик назорати ҳукуқидан самарали фойдаланишлари учун норматив-ҳуқуқий асослар яратилган.

Рисолада президентлик сайловида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш бўйича энг асосий тушунча ва маълумотлар содда усулда, шунингдек, инфографикалар асосида тақдим этилмоқда.

1. Очиқлик ва ошкоралик принципи нимани англатади?



Ошкоралик принципи бу – сайловларнинг очиқдан-очиқ, сайлов вақти ва овоз бериш жойлари олдиндан эълон қилинган ҳолда ўтказилиши ҳамда унинг бориши ва натижалари ҳақида ахборот берилишидир. Ҳар бир фуқаро сайловларнинг бориши ҳақида хабардор бўлиш ва ўзининг сайловчилар рўйхатига кирганлигини текширишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигимизда сайловларнинг умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш, кўппартиявийлик, муқобиллик, очиқлик ва ошкоралик, эркинлик, адолатлилик ва ҳаққонийлик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик принциплари ўз ифодасини топган.



Демак, мазкур принцип бутун сайлов кампаниясининг очиқлик ва ошкоралик асосида амалга оширилишини англатар экан. Бунда ҳар бир сайловчи сайлов кампанияси давомида *сайлов округлари ва участкаларини тузишга*, *сайлов комиссияларининг таркиби*, *комиссиялар жойлашган манзил ва иши вақтига*, *депутатликка номзодларни рўйхатга олиши*, *овоз бериши ва сайлов якунларига доир ахборотни излаши, олиши ва тарқатиши ҳуқуқига эга*.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилиши мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 3-моддасига кўра, сайлов очиқ ва ошкора ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида очиқлик ва ошкораликнинг асосий принцип сифатида берилиши БМТнинг **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**, **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт**, Парламентлараро Иттифоқнинг **Демократия тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси** каби халқаро сайлов стандартлари ҳамда ЕХХТнинг **инсонийлик мезонлари** каби миңтақавий ташкилотлар сайлов стандартларидағи қоидаларга таянади.


Мамлакатимизда ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тавсифловчи энг муҳим хусусиятлардан бири – **бу очиқлик ва ошкораликдир**. Унга кўра, сайлов комиссиялари сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирлар ҳақидаги маълумотларни сайловчиларга очиқ ва ошкора маълум қиласди.

Демак, сайлов жараёнида очиқлик ва ошкораликни қўйидаги субъектлар таъминлайди:

- ❖ **сайлов комиссиялари;**
- ❖ **оммавий ахборот воситалари;**
- ❖ **халқаро кузатувчилар;**
- ❖ **сиёсий партиялар;**
- ❖ **ўзини ўзи бошқариш органлари.**

Бўлажак сайловлардаги ҳар бир овоз эътиборга олинади ва ҳар бир фуқаро **Ўзбекистон Республикаси Президентини** сайлашда бевосита иштирок этади. Мазкур жараённи очиқ ва ошкора ёритиб бориш Конституцияда мустаҳкамланган мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51⁷-моддасида биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини



сайловга ёки референдумга тайёргарлик қўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

2. Сайлов комиссиялари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик қандай таъминланади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг очиқлик ва ошкоралик принципларига амал қилган ҳолда ўтишида сайлов комиссияларининг алоҳида ўрни бор.

Президент сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари тизими:

Марказий сайлов комиссияси

Округ сайлов комиссиялари

Участка сайлов комиссиялари



Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 9-моддасига биноан, **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси** (кейинги ўринларда МСК) томонидан тузилади.

Эътибор беринг!

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда, сайловга камида етмиш беш кун қолганда, МСК томонидан тасдиқланади ҳамда расмий веб-сайтда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси МСК томонидан сайловга камида етмиш

кун қолганда, комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти – саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади.



Сайлов комиссиялари фуқароларни:

- ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, сайлов участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади;
- сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан танишитиради;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги, шунингдек, овоз бериши ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қиласади.

Эътибор беринг!

Округ сайлов комиссияси сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда телефон рақами, жойи ва овоз бериш биносини кўрсатган ҳолда, сайловчиларни ҳар бир участканинг чегаралари тўғрисида хабардор қиласади.

Участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларда сайловга оид қўйидаги маълумотлар очик тарзда фуқаролар эътиборига ҳавола этилади:

- сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа;
- сайлов санасига бағишланган плакатлар;
- сайлов участкасининг харитаси;
- участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчиликлар жадвали ҳақидаги ахборот;
- сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган махсус стенд;
- барча рўйхатга олинган номзодларнинг МСК, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури.



- участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчиликлар жадвали ҳақидаги ахборот;
- сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган махсус стенд;



2021 йилги Президент сайловларида Сайловда иштирок этган бешта сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 64 минг 450 нафар вакил миллий кузатувчи сифатида сайлов жараёнида фаол иштирок этди.

Биринчи марта мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларидаги 207 та сайлов участкасига ўрнатилган 414 та видеокамера орқали узатилган онлайн намойиш миллионлаб одамлар овоз бериш жараёнларини тўғридан-тўғри кузатиб бориши учун қулай имконият туғдирди.



3. Оммавий ахборот воситалари сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини қандай таъминлайди?

Сўз ва ахборот эркинлиги, ўз фикрини эркин билдириш, ахборот олиш хуқуқи энг асосий ва халқаро тан олинган инсон хукуқлари ва демократик жамиятнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари жуда муҳим ўрин тутади.

Эркин ва демократик жамиятда мазкур хукуқни таъминлаш мустақил оммавий ахборот воситаларининг фикрлар плюрализмига асосланган фаолиятини тақозо қиласди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролар ўз сайлов хукуқларини қай тарзда амалга ошириш, сайловда қатнашаётган турли сиёсий партиялар ва номзодларнинг асосий сайловолди сиёсий позициялари ва жамиятдаги турли масалаларга қарашларидан хабардор бўлиш ҳамда айни вақтда бунга ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва у қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда қатнашиш учун ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтказилади.

(Сайлов ҳами ва санаси)	
ГУВОҲНОМА №_	
(ОАВ номи)	
(ОАВ вакилининг лавозими)	
(Фамилияси)	
(Исми)	
Марказий сайлов комиссияси Раиси	М.б.
(Избо)	
Шахсонни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида хажизий хисобланади.	

ОАВ сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон қилингандан кейин МСК томонидан белгиланган кундан бошлаб, сайловга камида ўн кун қолгунига қадар МСК, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига ўз вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

ОАВ вакилларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган гувоҳномалар билан тасдиқланган бўлиши керак.

ОАВ сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон қилингандан кейин МСК томонидан белгиланган кундан бошлаб, сайловга камида ўн кун қолгунига қадар МСК, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига ўз вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

ОАВ вакилининг ваколат муддати унга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган кундан бошланади ва сайлов яқунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси даврида сайловни ёритувчи маҳаллий ОАВ вакиллари – МСК томонидан аккредитациядан ўтказилади.

Маҳаллий ОАВнинг аризасида аккредитацияга тақдим этилган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилади ҳамда унга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ✓ ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ID-карта ёки паспортнинг фотосуратли бети) нусхаси;
- ✓ маҳаллий ОАВнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;
- ✓ ҳар бир ходим учун тўлдирилган ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш анкетаси;
- ✓ ходимнинг электрон фотосурати (оқ фонда, 3x4 см ўлчамда, jpg форматда, камида 100 КБ ҳажмда, пиксел зичлиги 600dpi, сўнгги 90 кун ичида олинган бўлиши ҳамда ходимнинг юзи ва елкаларининг юқори қисми кўриниб

туриши, файл номи фотосуратдаги шахснинг фамилияси ва исмидан иборат бўлиши керак).

Қайси ҳолларда ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш рад этилиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бундай асослар:

а) аккредитациядан ўтказиш учун хужжатлар тўлиқ тақдим этилмагандан;

б) анкета тўлиқ ва тўғри тўлдирилмаган бўлса;

в) мазкур низомда белгиланган муддатларга риоя этилмагандан;

г) ОАВ аккредитациядан ўтаётган даврда доимий фаолият юритмагандан;

д) веб-сайт сифатида рўйхатдан ўтган ОАВнинг хужжатларида кўрсатилган веб-сайти мавжуд бўлмагандан;

е) ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

ж) ОАВнинг чиқарилиши тўхтатиб турилганида ёки тугатилганида;

з) аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги аризада ёки унга илова қилинган хужжатда кўрсатилган маълумотлар ҳақиқатга мос келмаса;

и) ОАВнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритиши суд қарорига мувофиқ чекланган ёки тақиқланганда;

й) ОАВ қайта рўйхатдан ўтказилмаган бўлса (агар ОАВ рўйхатдан ўтказилганидан сўнг муассис тўғрисидаги маълумотлар, ОАВнинг номи, тили тури, мақсад ва вазифалари ҳақидаги маълумотларга ўзгартиришлар киритилган бўлса);

к) аккредитациядан ўтказиш учун мурожаат қилган ОАВ вакили айни вақтда бошқа бир ОАВ вакили сифатида ҳам аккредитациядан ўтказилганлиги аниқланганда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий ОАВ вакиллари Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда МСК томонидан аккредитациядан ўтказилади.

Қуйидаги ҳолларда ОАВ вакилининг аккредитацияси МСКнинг қарори билан муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

✓ ОАВ вакили Сайлов кодекси, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари, МСКнинг қарорлари талаблари ва ушбу низом қоидаларини бузганида;



- ✓ ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;
- ✓ аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги аризада ёки унга илова қилинган ҳужжатда кўрсатилган маълумотлар ҳақиқатга мос келмаса;
- ✓ аккредитация қилинган ходим билан ОАВ таҳририяти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда;
- ✓ ходимнинг аккредитациясини бекор қилишни сўраб ОАВ таҳририяти томонидан МСКга ёзма мурожаат йўлланган тақдирда;
- ✓ ОАВнинг чиқарилиши тўхтатиб турилганида ёки тугатилганида.
- ✓ МСК хорижий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказишида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик қиласди.

Хорижий ОАВ вакиллари, шу жумладан, ТИВдан аккредитациядан ўтган хорижий ОАВ вакиллари сайлов кампаниясини ёритиш мақсадида МСКдан аккредитациядан ўтиш учун ТИВга зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қиласдилар. ТИВдан аккредитациядан ўтмаган хорижий ОАВ вакилларининг мурожаати тақдим этилган кундан кейин икки ҳафтадан кечикмай ТИВ томонидан қўриб чиқиласди.

ТИВ МСКга хорижий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдимнома киритади:

- ✓ ходимнинг **шахсини тасдиқловчи ҳужжат** (ID-карта ёки паспортнинг фотосуратли бети) нусхаси (pdf форматда);
- ✓ ҳар бир ходим учун тўлдирилган ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш анкетаси (pdf форматда);
- ✓ ходимнинг электрон **фотосурати** (оқ фонда, 3x4 см ўлчамда, jpg форматда, камида 100 КВ ҳажмда, пиксел зичлиги 600dpi, сўнгги 90 кун ичida олинган бўлиши ҳамда ходимнинг юзи ва елкаларининг юқори қисми кўриниб туриши, файл номи фотосуратдаги шахснинг фамилияси ва исмидан иборат бўлиши керак).

Тақдимнома беш кунлик муддат ичida қўриб чиқилиб, МСК қарори асосида хорижий ОАВ вакилига аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Миллий сайлов тажрибасидан маълумки, **2021 йилда** ўтказилган **Президент сайловида** Сайлов кампаниясига старт берилган кундан буён **140** та хорижий ва **197** та маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан жами аккредитациядан ўтган **1 672** нафар ОАВ вакиллари (шундан **233** нафар хорижий ва **1 439** нафар маҳаллий ОАВ вакиллари) томонидан умумий ҳисобда **76** мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Илк бор номзодларнинг вакиллари ўртасида **теледебатлар** ўтказилди. Теледебатлар сайловчиларга ҳар бир сиёсий партия илгари сураётган ғояларни таққослашга имкон берган бўлса, партияларга эса давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришларга доир қарашларини, янги таклиф ва ташабbusларини эркин ифода этиш имконини берди.

Мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар мунтазам эфирга узатилиб, сайловчиларга сайлов жараёни босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилади. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам кенг ёритилади.



Президентликка номзодларнинг ҳар бири учун “Ўзбекистон-24”, “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Маҳалла” ҳамда “Маданият ва маърифат” телеканалларида **210 дақиқа** бепул эфир вақти ажратилди. Ҳар бир телерадиоканалда сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотига оид телекўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари **150 сонияли** блокда **4 мартадан** эфирга узатиб борилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **13 та минтақавий телеканалида** эса шу мақсадлар учун **1 минг 900 дақиқа** вақт ажратилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов кампанияси даврида холис **ахборотларни** кенг, тезкор ва эркин тарқатиш учун аккредитация қилинади.

ОАВ вакили:

- ✓ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишига доир барча тадбирларни ёритиш;
- ✓ сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- ✓ сайлов комиссияларининг қарорлари нусхаларини ОАВда ёритиш учун олиш;
- ✓ номзодлар кўрсатишига бағишлиланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

- ✓ муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;
- ✓ сайлов куни овоз бериш хоналарида, шу жумладан, овозларни санаб чиқишида ҳозир бўлиш;
- ✓ сайлов комиссияларининг фаолиятига ҳамда овоз бериш жараёнига халақит бермасдан ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);
- ✓ сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнида ҳозир бўлиш;
- ✓ тегишинча округ, туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлиш;
- ✓ сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Эътибор беринг!

ОАВ вакили сайлов комиссияларининг мажлислари, матбуот анжуманлари ва бошқа тадбирларда (бундан буён матнда тадбир деб юритилади) иштирок этиши ҳақида тегишли сайлов комиссиясини олдиндан хабардор қилиши керак. Бунда, сайлов комиссияси ОАВ вакилларининг тадбирларда иштирок этиши учун зарур шароит яратиш чораларини кўради.

Сайлов комиссияси ОАВ вакилларининг тадбирда иштирок этиши учун рўйхатдан ўтиш муддати, тадбирни ўтказиш жойи ва бошқа ташкилий масалаларни эълон қиласди.

ОАВ вакили:

- ✓ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига ва МСКнинг қарорларига амал қилиши;

- ✓ сайлов комиссияларининг бинолари (хоналари), мажлислари ва матбуот анжуманларида гувоҳномани бошқаларга кўринадиган тарзда доимо тақсан бўлиши;
- ✓ мажлислар, матбуот анжуманлари, овоз бериш ва бошқа тадбирлар ташкил этиладиган бинонинг ўzlари учун ажратилган жойида сайловга тайёргарликнинг бориши ва у қандай ўтаётганлигини ёритиши;
- ✓ сайлов жараёнини ёритишда сайлов комиссиясининг фаолиятига ҳамда овоз бериш жараёнига халақит бермаслиги;
- ✓ барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотларга ташриф буюрганида унга берилган гувоҳномани ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши ҳамда мансабдор шахслар талабига мувофиқ уларни кўрсатиши шарт. МСК оммавий ахборот воситаларининг вакиллари учун **мандат намунасини** белгилайди.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Эътибор беринг!

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 54-, 58- моддаларига асосан, участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини ҳам, тугаганлигини ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигига эълон қиласиди.

ОАВ вакилига қўйидагилар ман этилади:

- ✓ конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи ахборотларни тарқатиш;
- ✓ сайловчиларга таъсир ўтказиш, қонунга хилоф равиша бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;
- ✓ сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

- ✓ сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам қўрсатиш;
- ✓ участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқилаётганда аралashiш;
- ✓ сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Эътибор беринг!

ОАВ вакили ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида тегишли сайлов комиссиясини камидаги уч кун олдин хабардор қилиши керак.

Яна бир муҳим масала: “**Сиёсий партиялар, президентликка номзодларнинг оммавий ахборот воситалари билан сайлов жараёнидаги муносабатлари нималарда кўринади?**” деган ҳақли савол туғилади. Бунда оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясидаги энг муҳим роли **сайловолди ташвиқот босқичида** намоён бўлади.



Сайлов кодексининг 45-46-моддаларига асосан, ташвиқот матбуот конференциялари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишилар шаклларида ҳам олиб борилиши мумкин. Ташвиқот оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, интернет орқали ҳам амалга оширилади.

Эътибор беринг!

ОАВ вакили овоз бериш сирини ошкор қилса ёхуд фуқароларнинг хоҳиш-иродасига таъсир қўрсатишга ҳаракат қилса, у овоз бериш биносидан дарҳол чиқариб юборилади. Бу ҳақда участка сайлов комиссияси қарор қабул қиласи.

4. Халқаро кузатувчилар сайловларнинг ошкоралиги, очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашда қандай ҳуқуқларга эга?

Ўзбекистон сайлов қонунчилигига халқаро стандартларга тўлиқ мос келувчи сайловларда **миллий ва халқаро кузатувчиларнинг** иштирок этиши принципи мустаҳкамланган. Сайловнинг энг муҳим тамойилларидан ҳисобланган очиқлик ва ошкораликни таъминлашда халқаро кузатувчиларнинг ўрни катта. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиша хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг иштироки бу – демократик сайлов стандартларидан бири сифатида давлат томонидан ўз халқаро мажбуриятларига риоя этишини англаади.

Халқаро кузатувчиларнинг сайлов жараёнидаги иштироки нафақат сайловларнинг ошкоралиги, очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, балки сайлов қонунчилигини халқаро стандартлар асосида изчил такомиллаштириб боришининг асосий омилларидан ҳисобланади.



2021 йилда ўтказилган дунёнинг 50 га яқин давлатидан 340 нафар хорижий кузатувчи ташриф буюрди ва сайлов жараёнларини кузатиша фаол иштирок этди. Сайлов жараёнларини кузатиша жами 971 нафар халқаро ва хорижий кузатувчи қатнашди. Биринчи марта Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг **316** кишилик тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилинган.

Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларини аккредитация қилиши тартиби

1-қадам. Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан сўнг МСК хорижий давлатлар сайлов органлари ва халқаро ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали таклифнома юборади.

Ташқи ишлар вазирлиги ўз ташаббуси ёки давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, бошқа ташкилот ва муассасалар таклифига кўра, сайловларга хорижий (халқаро) кузатувчиларни таклиф этади.



Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам сайловларда хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида иштирок этиш истагини билдириб, Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилиши мумкин.

2-қадам. Сайловда хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф қилинган, шунингдек, бундай истакни билдирган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ўз кузатувчиларининг рўйхати, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари нусхалари, электрон фото суратлари (jreg форматда, камида 100 КВ, 600x600px) ҳамда анкеталарни Ташқи ишлар вазирлигига тақдим қиласди.

Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар тегишли ҳужжатларни овоз бериш кунидан камида **ўн кун олдин** тақдим этиши лозим.

3-қадам. Ташқи ишлар вазирлиги тегишли хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг ҳужжатларини илова қилган ҳолда, МСКга тақдимнома киритади. МСК беш кунлик муддатда хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

4-қадам. Аккредитация қилинган хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг рўйхати МСКнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низомга мувофиқ, хорижий (халқаро) кузатувчилар ўз ваколатлари доирасида қуидаги хукуқларга эга:

- ✓ сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- ✓ номзодлар қўрсатишга бағишлиланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;
- ✓ сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;
- ✓ сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;
- ✓ муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;
- ✓ сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериши жараёнини кузатиш;





✓ кузатув олиб бориши давомида ўзи ёллаган таржимон ҳамроҳлигига бўлиш;

✓ сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);



✓ овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;

✓ сайлов натижалари тўғрисидаги хужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

✓ кузатув натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;

✓ сайловолди ташвиқоти белгилари бўлмаган, фамилияси, исми ва отасининг исми, ўзи вакиллик қилаётган ташкилотнинг номи кўрсатилган кўкрак нишонлари тақиши;

✓ округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

✓ ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин тегишли участка сайлов комиссиясини белгиланган тартибда хабардор қилиш;

✓ агар сайлов участкасида сайловга оид қонунчилик ва халқаро нормалар талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек, юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;

- ✓ сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги ўрни

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол фуқаролар фуқаролик жамияти институтлари орқали сайловларнинг очиқлик ва ошкоралигини таъминлашда иштирок этиш имконига эга бўлади. Дарҳақиқат, демократик сайловларни фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар сайловларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминловчи муҳим институт ҳисобланади.

Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партиялардан кузатувчилар муҳим вазифани ҳам бажарадилар:

- ❖ овозларни санаб чиқиши кузатган ҳолда, улар овоз натижаларининг умумий якунлари аниқланиш жараёнини кузатади;
- ❖ назорат усусларини қўллаб, кузатувлар натижасида тўпланган ахборот манбаи асосида сайлов расмий якунларига ҳаққоний баҳо ва хулоса берилиши мумкин.

Эътибор беринг!

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз кузатувчилари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига сайловга камида ўн кун қолгунга қадар мурожаат қилиши мумкин.

Сайлов тартиб-таомилларининг бузилгани кузатувчилар томонидан аниқланиши ва таҳлил натижалари сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов технологиясини такомиллаштириш имконини беради.

МСКнинг мажлисларига **жамоат бирлашмалари ва ташкилотларнинг вакиллари** ҳам таклиф этилади. Жамоат бирлашмалари ўз аъзоларининг хоҳиш-иродаларини эркин билдириш мақсадида МСК йиғилишларида иштирок этади.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари қайси жараёнда бевосита иштирок этади?

- сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида
- ҳужжатларни топширишда
- имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда
- сайлов участкасида овозларни санаб чиқиша



Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шарт.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари сайловларда **кузатувчи** сифатида иштирок этиши мумкин. Бугун мамлакатимизда демократик институт сифатида шаклланган маҳалла институти вакиллари муддатидан олдин овоз бериш, овоз бериш куни сайлов участкасининг очилиш ҳамда сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш жараёнларини кузатиб бориши мумкинлиги миллий демократик институтнинг ўрнини янада оширади.

Қолаверса, мазкур янгилик Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон хуқуqlари бўйича бюроси томонидан ҳам таклиф этилганлиги билан эътиборлидир.

Эътибор беринг!

Тегишли сайлов комиссияси сиёсий партия ташкилотининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризасини олгандан кейин беш кун ичida қарор қабул қиласи ва кузатувчи учун мандат беради.

Сиёсий партия ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли сайлов комиссиясидан мандатларни олгандан сўнг уларни кузатувчиларга етказилишини таъминлайди.

Куйидаги ҳолларда кузатувчига мандат бериш рад этилиши мумкин:

кузатувчига номзод 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;

сайловга ўн кундан кам муддат қолганда мурожаат этилса;

тегишли сайлов округи бўйича сиёсий партиядан номзод рўйхатга олинмаган бўлса (сиёсий партиянинг кузатувчилари учун);

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаса (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг кузатувчилари учун);

тегишли хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса.

КУЗАТУВЧИЛАРГА НИМА ТАҚИҚЛАНАДИ?

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.

Дейлик, кузатувчининг хатти-ҳаракати яширин овоз бериш тартиб-таомилини бузса ёки у сайловчининг хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир ўтказса, у дарҳол овоз бериш биносидан чиқариб юборилади. Бу ҳақда участка сайлов комиссияси томонидан қарор қабул қилинади.

Кузатувчилар сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда **яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида** ҳозир бўлмасликлари лозим. Агар кузатувчи овоз бериш вақтида сайловчи билан кабинада бўлса, бу **конун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисобланади**.

Яъни кузатувчиларнинг сайловчиларга бевосита ёки бошқа усуслар билан таъсир ўтказиши, ташвиқот олиб бориши ёки бирон-бир номзод ҳақида материал тарқатишга ҳаққи йўқ.

Ёдда түтинг!

МСК имзо варақалари түғри түлдирилганигини текширувчи Эксперт гурухини тусиши мумкин. Эксперт гурухи таркибига давлат органлари қатори фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам жалб этилиши жамоатчиллик назорати сифатида жамоат бирлашмалари аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини акс эттиришга асос бўлади.

Шу билан бирга, имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши ҳам катта аҳамиятга эга. Партияларга сайлов жараёнларида тенг шароитлар яратилган.

Шунингдек, кузатувчиларга сайловчилар кабинадан чиққандан кейин:

- ✓ уларнинг кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ҳам ман этилади.
- ✓ Агар кузатувчи овоз бериш биносида овоз бериш жараёнида сайловчилардан уларнинг кимни ёқлаб овоз бериш истагида эканликларини суриштирса, бу яширин овоз бериш тартиб-таомилини бузганлик деб баҳоланади.
- ✓ Бундай ҳолларда участка сайлов комиссиясининг раиси бу каби ҳаракатларни содир этмаслик ҳақида кузатувчини огоҳлантириши зарур.

Ёдда түтинг!

Сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд сиёсий партияга хайрихox бўлган ҳар қандай Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси сиёсий партиядан кузатувчи бўлиши мумкин. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек, фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари кузатувчи бўлиши мумкин.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. Очиқлик ва ошкоралик принципи нимани англатади?	4
2. Сайлов комиссиялари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик қандай таъминланади?	6
3. Оммавий ахборот воситалари сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини қандай таъминлайди?	8
4. Халқаро кузатувчилар сайловларнинг ошкоралиги, очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда қандай хукуқларга эга?	16
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги ўрни	19

Б.А. НАРИМАНОВ

**САЙЛОВЛАРДА
ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК**

(оммабоп рисола)

Тошкент давлат юридик университети
Тошкент – 2023

Бош мұхаррир	О. Чориев
Мұхаррир	Ш. Жақонов
Мусаҳих	М. Патиллаева
Техник мұхаррир	У. Сапаев
Дизайнер	Д. Ражапов

14.06.2023. да босишига рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
“Times New Roman” гарнитураси, 1,4 шартли босма табоқ.
Адади 50. 000-буюртма.

Тошкент давлат юридик университети босмахонасида чоп этилди.
100047. Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.